

Набий алайҳиссаломни қатл қилиш ҳақида маслаҳат



16:06 / 04.06.2020 2658

Қурайш мушриклари мусулмонларнинг ҳижратидан безовталаниб қолишди. Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ўзларига эргашган кишиларга бориб қўшилишларидан ҳавотирлана бошлашди. Агар у зот Ясрибда турсалар, мустаҳкам марказ қуриб олишларидан қўрқибди.

Қурайш Дорун-надвада жамланди. Улар билан бирга иблис ҳам Нажд аҳлидан бўлган бир чолнинг суратида ҳозир бўлди. Йиғилганлар Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни ўлдириш ҳақида маслаҳат қилишди. Абу Жаҳл ҳар бир уруғдан биттадан ёш йигитни танлаб олиб, уларга қилич бериб, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни бараварига ўлдиришни маслаҳат берди ва: «Шунда унинг қони барча уруғларга тарқалиб кетади ва улар билан уруша олмагандан сўнг Бану

Абдуманофнинг (Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг уруғлари) хунни қабул қилишдан бошқа иложи қолмайди», деди. Мажлисда иштирок этганлар унинг маслаҳатини қабул қилишди. Лаънати иблис бунимуборакбод этди.

Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анҳудан Аҳмад ибн Ханбал қуйидаги ривоятни келтирадилар:

«Қурайш бир кеча Маккада машварат қилди. Кимдир: «Эрталаб Муҳаммадни ушлаб, боғлаб қўйинглар», деди. Бошқалари эса: «Йўқ, уни ўлдириш керак», дейишди. Баъзилари: «Маккадан чиқариб юборинглар», дейишди.

Аллоҳ таоло Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламга бунимбилдирди. Ҳазрати Алий Расулуллоҳнинг тўшакларига кириб ётди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам эса Маккадан чиқиб, Савр ғорига етиб олдилар. Мушриклар Алий розияллоҳу анҳунини Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам деб ўйлаб, кечаси билан пойлаб чиқишди. Эрталаб ёпирилиб кириб, Алийни кўрганларида, Аллоҳ уларнинг макрларини пучга чиқарди. Улар: «Оғайнинг қани?» деб сўрашди. Ҳазрати Алий: «Билмайман», деди.

Улар Расулуллоҳнинг изларидан ахтариб кетишди... Расулуллоҳ ўша жойда уч кун қолдилар».

«Ислом тарихи» биринчи китобидан